

USCIRF—RECOMMENDED FOR SPECIAL WATCH LIST

АҚШнинг Халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси (USCIRF) АҚШ федерал ҳукуматининг мустақил ва икки партияли комиссияси бўлиб, чет мамлакатлардаги дин ёки эътиқод эркинлиги тўғрисидаги универсал ҳуқуққа риоя этилишини кузатиб боради. 1998 йили қабул қилинган “Халқаро дин эркинлиги тўғрисида”ги (IRFA) қонун асосида ташкил этилган USCIRF чет мамлакатлардаги дин ёки эътиқод эркинлиги бузилишларини кузатиш учун халқаро стандартлардан фойдаланади, ҳамда президент, давлат котиби ва Конгрессга сиёсий тавсиялар беради. USCIRF АҚШ Давлат департаментидан алоҳида ва мустақил ташкилотдир. “2021 йилги йиллик ҳисобот” жойлардаги ҳуқуқбузарликларни ҳужжатлаштириш ва АҚШ ҳукуматига мустақил сиёсий тавсиялар бериш масаласида махсус вакиллар ва профессионал ходимлар амалга оширган бир йиллик ишнинг натижасидир. “2021 йилги йиллик ҳисобот” 2020 йил январидан 2020 йил декабригача бўлган даврни ўз ичига олади, аммо баъзи ҳолларда бу муддатдан олдин ёки кейин содир бўлган муҳим воқеалар ҳам эслаб ўтилади. USCIRF ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун [мана бу](#) веб-саҳифага кириш ёки USCIRFга 202-523-3240 рақамни териш, тўғридан-тўғри мурожаат қилинг.

МУҲИМ ХУЛОСАЛАР

2020 йилда Ўзбекистондаги диний эркинлик шароитлари ижобий томонга ўзгаришда давом этди. Йил давомида, ҳукумат камида саккизта ноисломий диний ташкилотни рўйхатдан ўтказди, болалар томонидан масжидларга қатнаш тақиқини амалда [олиб ташлади](#), Тошкент шаҳрида жойлашган синагоганинг тортиб олиниши ва бузилишининг олдини олиш учун [аралашди](#), ҳамда бир қанча диний маҳкумларни озод этди. Ҳукумат расмийлари диний эркинлик масалаларида Америка Қўшма Штатлари ва бошқа халқаро ҳамкорлар билан яқиндан алоқада бўлди, айниқса, 1998 йилги Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунни (1998 йилги дин қонуни) ислоҳ қилиш борасидаги уринишлар давом этди. Бир қанча ҳолатларда Ўзбекистон парламенти *Олий Мажлис* халқаро кузатувчиларни — жумладан, USCIRF, АҚШ Давлат департаменти ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисини қонун лойиҳасига оид очиқ парламент муҳокамасида иштирок этишга таклиф қилди. Август ойида ҳукумат расман қонун лойиҳасига оид Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси (ODIHR) ҳамда Европа кенгаши ҳузуридаги Венеция комиссиясидан фикрини сўради. Октябрь ойида икки ташкилот қўшма баёнот [чиқарди](#) ва унда қонун лойиҳаси “сезиларли тўсиқларга ва халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига мос келмайдиган камчиликларга эга бўлгани” учун танқид қилинди. Ҳукумат йил охирида у ҳали ҳам ODIHR, Венеция комиссияси ва бошқа ташкилотларнинг айрим тавсияларини кўриб чиқаётганини таъкидлаган бўлсада, у қонун лойиҳасини халқаро стандартларга тўлиқ жавоб бериши учун талаб этилган сезиларли ўзгаришларни қабул қилмаслиги аён бўлмоқда. Аксинча, ҳукумат у қонунда кўпгина муаммоли шартларни, жумладан, рўйхатдан ўтмасдан диний фаолият юритиш, хусусий диний таълим ҳамда миссионерлик фаолият каби шартларни қонунда сақлаб қолишини ифода этган. Қонун лойиҳасига кўра, қонун рўйхатдан ўтиш учун қийин ва ўз хоҳишига кўра талабларни ўрнатишда давом этади, диний маросимлар ўтказиладиган жойларни чеклайди ҳамда барча диний адабиётлар ва тегишли материалларни расмий текширув ва тасдиқлашдан ўтказишни талаб этади.

Йил давомида Ўзбекистондаги расмийлар ислом динига қатъий давлат назоратидан мустақил равишда амал қилган ёки “экстремистик” деб талқин қилинган маърузалар ва бошқа босма ва электрон шаклдаги диний матнларни сақлаган мусулмонларни таъқиб қилиш, қўлга олиш ҳамда қамашни давом эттиргани борасидаги хабарлар келиб турди. Март ойида инсон ҳуқуқлари фаоли Мусажон Бобожонов давлат рухсатисиз исломий никоҳ маросимини ўтказгани учун [камқоққа олинди](#) ва беш кунлик қамоқ муддатига ҳукм қилинди. Апрель ойида расмийлар ўз яшаш ҳудудида COVID-19 ҳолатларининг кўпайгани ҳақида гапиргани ортидан доктор Алимардон Султоновнинг уйига боришди, ноқонуний диний материаллар сақлагани учун унинг компьютерини [мусодара қилишди](#) ва уни 14 ойда озодликни чеклашга [ҳукм қилишди](#). Декабрь ойида расмийлар Шиа мазҳабига эътиқод қилувчи Рашид Иброҳимовни таксидан чиқариб олиб сўроқ қилган олиб кетишди ва унинг телефонини куч билан тортиб олиб унда диний материаллар аниқлашди. Йил охирида унга қандай айбловлар қўйилган борасида маълумот йўқ эди. Президент Шавкат Мирзиёев йил давомида диний маҳкумларга бир неча авф фармонларини эълон қилгани ва кўпининг жазо муддатини қисқартирганига қарамасдан, жумладан маҳкумлар USCIRF нинг [Дин ёки эътиқод эркинлиги \(FoRB\) қурбонлари рўйхатидаги Арамаис Авакян](#) ва [Рухиддин Фахриддиновни](#), озод қилганига қарамасдан тахминларга кўра, яна бир неча минг диний маҳкумлар қамоқларда қолмоқда. Бундан ташқари, 2020 йилда ҳукумат номаълум миқдордаги шахсларни “экстремизмнинг” кенг ва ноаниқ айбловлари билан [қамқоққа олди](#), бунга эса кузатувчилар, Ўзбекистоннинг “сиёсий муҳолифлари ва диндорларни экстремизмда айблаш тарихини” инobatга олиб, танқидий кўз билан қарадилар. Март ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси қамоқлар ва бошқа ахлоқ тузатиш жойларида қийноқлар қўлланилиши ҳамда мустақил мусулмон диндорларга нисбатан қамқоққа олиш, қамқоқда ушлаш ҳамда қийноқлар қўлланилаётгани борасида хавотирини [билдирди](#).

АҚШ ҲУКУМАТИГА ТАВСИЯЛАР

- “Халқаро дин эркинлиги тўғрисида”ги (IRFA) қонунга кўра, Ўзбекистонни диний эътиқод эркинлигини кўпол тарзда бузаётгани ёки бундай ҳолларга тоқат қилаётгани учун Давлат департаментининг махсус кузатув рўйхатига киритиш;
- Ўзбекистон ҳукумати билан 1998 йилда қабул қилинган дин тўғрисидаги қонун халқаро инсон ҳуқуқи стандартларига мос бўлишини таъминлаш учун ҳамкорлик қилиш, ҳукуматни диний жамоатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича талабларни йўқ қилишга, диний адабиётларга эгаллик қилиш ва тарқатишга ҳамда диний эътиқодларни алмашишга рухсат беришга ундаш;
- Тинч диний фаолияти ёки диний тегишлилиги учун қамоққа олинган инсонларнинг тез орада озод қилиниши учун энг юксак даражаларда босим ўтказиш ҳамда Ўзбекистон ҳукуматида маҳбусларга инсоний муносабатда бўлиш ва қамоқхоналар мустақил мониторинг қилиниши учун босим ўтказиш; ва
- АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) ва АҚШнинг Тошкентдаги элчихонасига тинч диний фаолиятига доир суд таъқибига учраган шахслар ва диний жамоаларга суд ишида ёрдам бериш учун маблағ ажратиш.

USCIRF НИНГ АСОСИЙ РЕСУРСЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ

- *Подкаст:* [Диний ҳуқуқларга кўпроқ ҳурмат билдиришда Тошкент нималарга эришди?](#) (Озод Европа/Озодлик радиосида)
- *Нашрнинг янгиланган сони:* [Иегова шохидларининг дунё бўйлаб таъқиб қилиниши](#)
- *Босма баёно:* [USCIRF Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ислохотларини олқишлайди, уларни халқаро стандартларга мос қилишга чақиради](#)
- *Мамлакатга доир янгилаши:* [Ўзбекистондаги диний эркинликни баҳолаш](#)

Маълумот

АҚШ ҳукуматининг [ҳисоблашига кўра](#) тахминан 88 фоиз Ўзбекистон аҳолиси ўзини мусулмон деб ҳисоблайди, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ҳисобига кўра эса, аҳолининг 93 ёки 94 фоизи мусулмон саналади. Мусулмонларнинг аксарият қисми суннийлар саналади ва тахминан 1 фоизни шиалар ташкил этади. Тахминан 3,5 фоиз аҳоли рус православлари саналади, қолган 3 фоиз дахрийлар, бахаилар, буддавийлар, католиклар, хари кришналар, иегова шохидлари, яхудийлар ҳамда протестантлардан иборат.

Яқин йилларда Ўзбекистон диний эркинлик шароитларини яхшилаш ҳамда асосан халқаро даражада кўтарилган муаммоларни фаол ҳал этиш учун бир қанча ҳуқуқий ва сиёсий ислохотларни амалга оширишни мақсад қилган. Аммо ушбу ҳаракатларга ва конституцияда дин ёки эътиқод эркинлиги кафолатланган бўлишига қарамасдан, ҳукумат динга амал қилиш бўйича қатъий давлат назоратини ўрнатишни давом эттирмоқда. Турли даражадаги расмийлар 1998 йилги дин қонунини ўзгартириш ҳаракатида фаол иштирок этдилар аммо улар 2020 йилда унинг ўзгартирилган шаклини қабул қилмадилар ва ODIHR ҳамда Венеция комиссияси тавсияларини рад этишлари эҳтимоли аниқлашиб бормоқда. Ундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик кодекси

ҳамда Жиноят кодекси ҳукумат очиқ рухсат бермаган диний фаолликни чеклашда ва жазолашда давом этди.

Ҳуқуқий чекловлар ва ислохотлар

Ўзбекистон ҳукумати 1998 йилги дин қонунини дастлаб 2018 йил май ойида парламент томонидан диний эркинликлар шароитларини яхшилашга оид “йўл харитаси” қабул қилинганида ўзгартиришга ваъда берди. Ўзгартирилган қонун лойиҳасининг дастлабки версияларида маҳаллий диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун талаб этилган одамлар сони 100 тадан 50 тагача туширилиши, рўйхатга олиш муддатининг қисқариши ва бошқа масалалар қатори жамоат жойларда диний кийимларни кийиб юришга расмий тақиқнинг [олиб ташланиши](#) каби муҳим яхшиланишлар амалга оширилди. Аммо, ҳукуматнинг давомли равишда қонунни халқаро стандартларга мослаш учун кўшимча ўзгартиришларни амалга оширишни тавсия этган халқаро ҳамкорлар ва бошқа томонлар билан ишлаганига қарамасдан, расмийлар ўзгартирилган қонунда рўйхатдан ўтмаган диний фаолият, миссионерлик фаолияти ёки хусусий диний таълимга рухсат берилмаслигида қатъий қолдилар. Рўйхатдан ўтмоқчи бўлган диний жамоалар ҳукуматнинг Дин ишлари кўмитасидан “розилик хати” ҳамда маҳаллий ҳокимиятдан “кафолат хати” олишларини талаб этувчи, лекин қонунда бу каби хатларга розилик бериш ёки рад этиш

шартлари учун мезонлари йўқ янги ва эҳтимолий дискрет талаблар каби қонун лойиҳасининг бошқа жиҳатлари ҳам хавотир уйғотди.

Ҳукуматнинг исломни назорат қилиши ва мусулмонларни қамashi

Ўзбекистондаги расмийлар мамлакатда исломга амал қилиш устидан назоратни сақлаш учун асосий вақтларини сарфлайдилар. Ҳукумат мусулмон бўлмаган кичик диний гуруҳларнинг ўз эътиқодларига амал қилишлари бўйича маълум бир ютуққа эришган, жумладан [айрим](#) насроний жамоатларини рўйхатга олган ва полиция текширувларини тақиқлаган бўлсада, у мусулмонларнинг ўз эътиқодларига амал қилишдаги чекловларини енгиллатишга нисбатан кам аҳамият бермоқда. Аксинча, Тошкентдаги бир имомнинг [айтишича](#) масжидга келувчилар қандай ибодат қилишини кузатиш учун “Ўзбекистондаги барча масжидлар доимий видео назорат остида” ва “ҳукуматнинг диний соҳадаги сиёсатини эътиборга олмайдиганлар ўзларини панжара ортида кўришлари мумкин”. Ноҳукумат Форум 18 ташкилотининг [хабарига кўра](#), бир қанча ҳолатларда расмийлар мусулмонларнинг уйларида ноқонуний ва тақиқланган диний матнларни қидириб тинтув ўтказган ва кўпинча расман рухсат этилган матнларни ҳам мусодара қилишган. Йил бошида, Ўзбекистон ўзининг тақиқланган диний адабиётлар ва вебсайтлар рўйхатини сезиларли даражада [кенгайтирди](#), улар орасида ҳукуматнинг исломга нисбатан тутган позициясини танқид қилувчи бир қанча шеърлар ва материаллар ҳам бор. Мусулмонлар кўпинча “экстремизм” ёки терроризмда айбланади ва жиноят кодексининг шу каби адабиётларни босма ёки электрон шаклда сақлашни ёки ислом ҳақида суҳбатлашиш учун [учрашувни](#) назарда тутувчи 244.1 ва 244.2 моддаси билан жазога тортилади. 2020 йилнинг охирига келиб номаълум миқдордаги диний маҳкумлар, жумладан [USCIRF](#)нинг [FORB](#) [қурбонлари рўйхатидан жой олган Ҳайрулло Турсунов](#) ҳамон қамоқда қолмоқда. Аммо, бир манбага кўра, ҳукумат 2016 йилдан бери тахминан 1600 та диний маҳкумни озод қилган.

АҚШНИНГ АСОСИЙ СИЁСАТИ

Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон 2020 йилда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтирди. Февраль ойида Давлат департаменти 2019-2025 йилларда Марказий Осиё учун янги стратегиясини [эълон қилди](#) ва унда АҚШнинг минтақага бўлган эътиборини давом эттиришга, жумладан қонун устиворлигини ислоҳ қилиш ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишни тарғиб қилишга урғу берилди. Сентябрда USAID ташкилотининг мудир вазифасини бажарувчи Жон Барса Ўзбекистонда янги икки томонлама USAID миссияси очилишини [эълон қилди](#). Давлат департаментининг Ўзбекистон билан йиллик икки томонлама маслаҳатлашувлар хулосасида ҳар икки томон ушбу муҳокамаларни 2021 йилга келиб Стратегик ҳамкорлик мулоқоти даражасига олиб чиқишни [эълон қилди](#).

Америка Қўшма Штатлари шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати билан юқори даражадаги барқарор алоқалар орқали диний эркинликларга устиворлик беришни давом эттирди. Февраль ойида ўша пайтдаги Давлат департаменти котиби Майкл Р. Помпео Ўзбекистонга [сафар қилди](#) ва у ерда ислохотларни муҳокама қилиш учун диний фаоллар билан [учрашди](#) ва ўша ойнанинг ўзида Ўзбекистонни “ўз халқига кўпроқ диний эркинлик бериш йўлидаги яхши ҳаракатларини” давом эттиришга [чақирди](#). Йил давомида Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон ҳукумати билан бирга 1998 йилги дин қонунини ислоҳ қилиш ва диний маҳкумларни озод қилишнинг [тарafdори](#) бўлиб [яқин ҳамкорликда ишлади](#). 2 декабрда Давлат департаменти Ўзбекистонни “сезиларли ва аниқ ижобий ўзгаришларга эришганини” инobatга олиб Махсус кузатув рўйхатидан [олиб ташлади](#), бу ҳол мамлакат Давлат департаментининг Алоҳида хавотир уйғотувчи мамлакатлар рўйхатидан олиб ташланганидан сўнг икки йил ўтиб юз берди. Давлат департаментининг Ўзбекистонни Махсус кузатув рўйхатидан олиб ташлаганига қарамадан, USCIRF, 2020 йилдаги қонунбузарликлар IRFA нинг стандартига кўра ушбу рўйхатга киритиш учун етарли даражада кўпол бўлган деб ҳисоблайди.